*Ўлкамизнинг шифобахш неъматлари*

# ПАЛОВНИНГ ЖОНИ, ФОЙДАНИНГ КОНИ

**Ҳосили кўплигидан ёки атрофга новдалари эгилиб, олтиндай товланиб пишган беҳиларни кўрган одам кўз олдига беихтиёр беҳи палов, беҳи жаркоп, беҳи димлама ва бошқа таомлар келиши мумкин. Биз бугун ана шу неъматнинг инсонга фойдали томонлари ҳақида сўз юритамиз.**

Беҳи жуда қадимги мева дарахтларидан, ватани Эрон, Кавказ, Туркия ҳудудларидир. Жаҳонга, жумладан Ўрта Осиёга ана шу жойлардан тарқалган. Деҳқонлар беҳини 4000 йилдан ҳам кўпроқ давр ичида экиб, парвариш қилиб келадилар ва мевасидан баҳраманд бўладилар.

Ўзбекистонда беҳининг 20 нави етиштирилади. Бу мева консерва саноати учун энг яхши хом ашё ҳисобланади. Ундан қиём тайёрланади, нектар олинади, шарбатини чиқариб консерва қилинади.

Ўз таркибида дармондориларнинг кўплиги жиҳатидан беҳи олма, нок ва олчадан афзалроқдир. Жавҳар (яъни кислотаси) кўплигидан эса лимонга яқин туради.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино унинг шифобахшлиги тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтган: «...чўққа кўмилган беҳи енгилроқ ва фойдалироқ бўлади. У шундай пиширилади, ичини кавлаб уруғи чиқариб ташланади ва ичига асал солиб, устига лой чаплаб қўрга кўмилади.

Беҳи терлашни тўхтатади...

...Беҳининг сиқиб олинган шарбати «тикка нафас олиш» ва астмада фойдалидир. У қон туфлашни ҳам тўхтатади. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади, шиллиғи ҳам ўпка найини юмшатади.

...Беҳи қусишни тўхтатишда фойда қилади, чанқовни босади, меъдани кучайтиради. Жуда ҳам камайган иштаҳани очиш учун беҳидан шарбат тайёрланади. Бу шарбат меъда фаолиятини яхшилаб, балғамни ҳам тўхтатади...»

Кўриниб турибдики, беҳи билан анчагина касаллик даволаниб келинган. Унинг устига лой чаплаб қўрга кўмиш усули ўрнига духовка ёки қасқонда ҳам пишириш мумкин. Бунинг учун беҳи яхшилаб ювилади ва ичи ўйиб олиниб «косача» ҳосил қилинади. Ичига хоҳласангиз сариёғ, хоҳласангиз асал ёки ёнғоқ мағзига шакар аралаштириб, ёхуд бодом мағзи билан кишмишнинг гўшт қиймалагичдан ўтказилганини солиб тўлдирасиз. Ҳар бир беҳини қўйиб, қасқон лаппагига жойлаштирасиз-да, 35-40 дақиқа давомида буғлаб пиширасиз. Агар газ духовкасида пиширмоқчи бўлсангиз ликопчага сув қуйиб духовка патниси устига қўйинг. Шунда тепадан таъсир қиладиган иссиқ ва ликопчадаги сувнинг буғи билан ҳил-ҳил пишади.

Куз ва қиш фаслларида паловга беҳи солиб дамлашнинг ҳам инсон танаси учун жуда фойдаси бор. Агар томорқангизда бир туп беҳи бўлса ҳам паловнинг жони, шунингдек, турли хасталикларни табиий йўл билан даволашда фойданинг кони ҳам бўлишига нима етсин.

Дония ЗОКИРОВА.

# ЗАНЖИРСИЗ БОҒЛАШ

Бир юртда бир йигит бор экан. Уни ҳеч кими йўқлиги учун, маҳалла қариялари келишиб уйлантириб бошини икки қилиб, бўйдоқлик дунёсини тарк этсин дея қарор қилишибди. Ва бир мусулмон қизини никоҳлаб беришибди. Аввалига улар бир-бирига ширин сўзлик, меҳрибонлик ила яшай бошлашибди. Лекин бироз вақт ўтгач йигит ўзгариб қолибди. Ўзидан-ўзи сал нарсага жиғибийрони чиқиб хотинига бақирар, танбеҳ бериб, тергайдиган бўлибди. Хотини эрига нима бўлаётганини тушуна олмас, йиғлашдан ўзга чораси йўқ экан. Шу зайлда умрларининг шодон ёшлик онлари ўтиб борар экан. Бир куни йигит ишдан келса, уйида хотини йўқ. Жаҳли чиқиб, бироз кутибди. Хотини келавермагач, қўни-қўшниларникидан дараклаб кўрибди. Кейин аниқ бўлишича хотини отасиникига бутунлай кетиб қолган экан. Орқасидан боришга йигитнинг ғурури йўл бермабди.

Бу воқеа тез орада маҳалла қарияларининг қулоғига етибди. Улар йигитни олдиларига чорлаб, хотини билан ўрталарида нима гап ўтганлигини сўрашибди. Шунда йигит «Ҳеч гап ўтгани йўқ, ишдан келсам уйда йўқ», дебди. Қариялар аввалроқ ҳам кетишига бирор сабаб бўладиган гап ўтмаганини эшитишиб, кетиб қолган келинни енгилтакликда айблашибди. Шунда қишлоқда Доно бобо деб ном олган қария: «Қани, ўғлим, оилангда ким устун эди, хотинингга қандай муомала қилар эдинг, ҳаммасини яширмай бизга айт, биз ўзимиз хулоса чиқариб оламиз», дебди. Йигит уйида ўзи ҳукмрон эканлигини, хотинига сўз бермаслигини, тергаб, йўл-йўриқ кўрсатишигача мағрурланиб гапириб берибди. Ҳамма йигитнинг гапларини маъқуллашибди. Доно бобо эса узоқ ўйлаб туриб: «Ўғлим, айб сенда экан, сенга ўпич етишмас экан», дебди. Тўпланган одамлар ҳайрон бўлиб: «Доно бобо, нега унда дейсиз? Ахир у ҳақиқий йигитнинг йўлини тутганку! Гапларингизга тушунолмадик, нега айб унда бўлади, бизга ҳам тушунтириб беринг», дейишибди. Қария кулиб: «Тўғри, оилада эркак киши бош бўлиши керак, лекин ҳаддини ҳам билиши керак. Тўғри, тергаб туриш керак, лекин айбини кўрсатган ҳолда, босиқлик билан қарамоқ керак. Тўғри, баъзан дўқ қилиб айбига жазо бериш керак, лекин уйдан чиқарингда, кўчадан келарингда бир карра ўпиб қўйишни унутмаслик керак. Негаки, кетарингда ўпганинг уни уйингга занжирсиз боғлаб қўйганинг. У сени орқангдан қарғаб эмас алқаб туради, ишларинг ҳам ривожланади. Келарингда ўпганинг «Мен сени тергайман, дўқлайман, вақти келса хафа қиламан, лекин сен кўнглингга олма, мен сен учун меҳнат қиламан, сен учун яшайман деганинг бўлади!» — дебди.

*Ибратли ривоятлар*

Шундан сўнг қариялар ўртага тушиб, йигитнинг хотинини олиб келиб яраштириб қўйишибди. Йигит бундан кейин Доно бобо ўгитларига амал қилган ҳолда яшаб, узоқ йиллар умр гузаронлик кечиришган экан.

Қиссадан ҳисса шулким, ҳаётда нималар бўлмайди. Бошга тушганни кўз кўрар дейишади. Сизлар ҳам Доно бобо айтганидек ишингизга кетарда, ишингиздан келарда, аёлингизни суйиб қўйишни унутманг! Бу аёлингизга озгина эътибор саналиб, оилангизнинг мустаҳкам бўлишига сабаб бўлади.

# ҚАЙНАР БУЛОҚ

Қадим замонда бир ака-сингил бўлишган экан. Улар бир-бирларига роса меҳрибон, аҳил эканлар. Акаси қўли гул дурадгор экан. Синглиси акасига мададкор экан. Шундай қилиб вақтлар ўтар, улар шу зайлда умр кечиришар экан. Акаси бир куни бир бойнинг эшик-деразаларини таъмирлаб берибди. Ва бойнинг яккаю ягона қизига ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Йигитнинг чаққонлиги, ноёб ҳунар эгаси эканлигини кўриб бойнинг ҳам йигитга қизиқиши ортиб, қизимни шундай йигитга бермасам кимга бераман, дея кўнглидан ўтказиб қўйибди. Ва ўртага оқсоқолларни қўйиб, қизини йигитга никоҳлаб берибди. Ака, келин, сингил бирга яшай бошлашибди. Аммо келин синглисини ёқтирмас экан. Шундай қилиб йиллар ўтаверибди, келин зуғумини қилаверибди, сингил бечора туну кун қонқон йиғлар экан. Ака бундан бехабар экан. Сингил юраги дарду ҳасратга тўлиб кетганда, сув баҳона булоқ бўйига бориб, ўз қалбини очиб, сирларини булоқ билан баҳам кўрар, шу билан бироз енгил тортгандай бўлар экан. Бир куни келин аясининг навбатдаги зуғуми сингил бечоранинг жон-жонидан ўтиб, ўзини қадрли жойи — булоқ бўйида йиғлаб ўтирса булоқ бирдан тилга кирибди: «Эй қизалоқ, тила тилагингни, ҳозироқ бажараман» дебди. Қиз ўйлаб ўтирмай: «Қанийди булоққа айланиб қолсаму, қайнаб, қайнаб оқсам», дебди. Сўзини тугатмай, булоққа айланиб қолибди. Бундан хабар топган одамлар булоқ бўйига келиб қарашса, булоқ тошиб-тошиб, қайнаб отилар эмиш. Одамлар бундай мўъжизани кўриб, ҳайратда қолишибди. Қишлоқда ёши улуғ бир кекса одам бор экан. У булоққа ва қизнинг акасига қараб туриб: «Қара, булоқ қайнаяпти! Сен унга қулоқ тут, борлиғ вужудинг билан тингла!.. Бу синглингнинг дарду ҳасратлари, ғам-андуҳлари, орзу-армонлари қайнаб чиқмоқда! Бу энди оддий булоқ эмас, келин аяни зуғумидан, аканинг беларволигидан кўнгли зада бўлиб, булоққа айланиб, фарёд чекаётган — қайнар сингил булоғи! Қайна, сингил... Қайна, сени ҳамма эшитсин!..» — дея, бошини сарак-сарак қилганича булоқдан йироқлаб кетибди.

Ака булоқ бўйида роса йиғлабди. У йиғлаган сари булоқ ҳайқириб, тошдан-тошга урилиб шарқириб оқар эмиш... Шу-шу тинчгина осойишта оқувчи булоқ ўз сокинлигини йўқотибди. Ва одамлар орасида «Қайна, сингил булоғи» дейиладиган бўлибди. Йиллар ўтган сари эса фақатгина «Қайна сингил» дейишибди. Бу қанчалик рост, қанчалик ёлғон билмадиму, умр чархпалаги бизга келгунича «Қайна сингил», «Қайни-сингил» бўлиб кетган эмиш.

Рост гапирдим, баъзан тўқидим. Сиз учун, азизлар, ривоят қилдим. Буни балким ёмон дерсиз, аммо мен яхши деб билдим. Жоиз бўлса хулосани ўзингизга ҳавола қилдим.

Севдора ЛАТИПОВА.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1995 йил 25-30 сентябрь кунлари

**ITF UZBEKISTAN '95**

**International Trade Fair**

**WTCC**

**Халқаро Савдо Кўргазмасида**

**11 давлатдан 130 фирмаларни тавсия қилади**

*Кўргазмада халқ хўжалигига тааллуқли кенг спектрдаги замонавий маҳсулот ва технологиялар намойиш этилади.*

1995 йил
25 - 30 сентябрь кунлари
ҳар куни соат
10 дан 18.00 гача
"Ёшлик"
спорткомплексида
(Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 98 "а")

**Сизларни лутфан кутамиз!**

WTCC Жаҳон Савдо Маркази - Кельн, ГФР
INTARCOR - MED - Кельн, ГФР
"ПАХТАКОР" республика бирлашмаси,
Тошкент, Ўзбекистон Республикаси.




I-Марказий Осиё ўйинларида энг юқори натижага (7 та олтин медаль) эришиб мухлислар ишончини оқлаган чарм қўлқоп усталаримиз айни вақтда пойтахтимизда саноқли кунлардан сўнг очиладиган 18-Осиё чемпионатига қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.

*Рустам Шарипов олган сурат.*

# ҒОЛИБЛАР АТЛАНТАГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг мажлислар залида 1-Марказий Осиё ўйинларининг якунлари ҳамда 1 октябрдан Тошкентда бошланадиган бокс бўйича 18-Осиё чемпионатига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Комил Юсупов, ушбу қўмита тарғибот бўлимининг бошлиғи Турсунқул Искандаров, 1-Марказий Осиё ўйинларининг бош котиби Роман Ицковлар иштирок этиб, йиғилган спорт журналистларига 1-Марказий Осиё ўйинларининг якуний натижалари, ўйинлар тўғрисида мутахассис ва меҳмонларнинг фикрлари, ҳомийлар кўмаги, унда ўзбекистонлик спортчиларнинг иштироки хусусида батафсил сўзлаб, қалам соҳибларини қизиқтирган кўплаб саволларига жавоб қайтаришди. Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, 1-Марказий Осиё ўйинлари республикамизда 1984 йилдан бошлаб кенг кўламда ташкил этилган иккинчи комплекс мусобақалардир ва унинг муваффақиятли ўтгани албатта истиқлолга юз тутган Ўзбекистоннинг катта ютуғидир.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси бокс федерациясининг бош котиби Алишер Қодиров йиғилганларни 18-Осиё чемпионатининг ташкилий томонлари билан таништирди. Шуниси қувонарлики, ушбу чемпионатни ўтказишга Хитой, Малайзия каби бир нечта мамлакат хоҳиш билдирган бўлса-да, Осиё бокс федерацияси кейинги пайтларда спортга муҳим эътибор қаратаётганини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонни танлади. Ва бугунги кунгача Хитой, Япония, Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Қувайт, Филиппин, Шимолий Корея, Эрон 18-Осиё давлати унда қатнашажакларини билдиришди. Осиё чемпионатида бизнинг энг номдор ва етакчи боксчиларимиздан Ҳ. Аҳмедов, Н. Отаев, Д. Ёрбековлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

1996 йили ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари учун саралаш мусобақалари вазифасини ўтовчи ушбу чемпионатда 1 ва 2-ўринларни эгаллаган спортчилар Атланта йўлланмаларига эга бўладилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*Самбо*

# КУЧЛИ ОЛТИЛИК САФИДА

Яқинда Болгариянинг пойтахти София шаҳрида ўсмирлар ўртасида самбо кураши бўйича бўлиб ўтган 19-жаҳон биринчилиги ва эркаклар ўртасида жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда жаҳоннинг 22 мамлакатидан келган энг кучли спортчилар қатнашдилар. Уларнинг сафида АҚШ, Япония каби етакчи давлатлар, МДҲ мамлакатлари ҳамда ушбу мусобақаларда илк бор иштирок этган Ҳиндистон ва Нигериядан келган вакиллар ҳам бор эди. Мусобақаларда республикамиз шарафини ҳимоя қилган полвонларимиз ҳам муваффақият қозондилар. Акобир Қурбонов (74 килограмм, ички ишлар академиясидан) биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлди. Бронза соврини полвонларимиз сафи эса кенгроқ — самарқандлик вакиллар Боримурод Орзиев (52 килограмм), Асқар Раҳимов (48 килограмм), Фарҳод Хўжанов (52 килограмм), Максим Халтурин (90 килограмм), Қаҳрамон Акобаев (82 килограмм, Жиззах). Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида 6-ўринни эгалладилар.

Иккинчи маротаба мана шундай нуфузли халқаро мусобақада қатнашаётган спортчиларимизнинг сони тобора кўпаймоқда. Делегацияга хизмат кўрсатган спорт устаси, бош мураббий Бобомурод Файзиев раҳбарлик қилди. Ҳ. Тошхўжаев, Б. Григорьев, А. Гермишкин, Т. Деревалнов ва Фахриддин Исомовлардан иборат мураббийлар гуруҳи спортчиларимиз билан мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрдилар.

Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

*Мавсум режалари*

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри Ўзбекистоннинг кекса театрларидан бири ҳисобланади. Театр ўзининг навбатдаги мавсумини 27-28 сентябрь куни истеъдодли қалам соҳиби Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшомда» асари асосида саҳналаштирилган спектакль билан очишни режалаштирган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Маълумки, ушбу саҳна асари «Наврўз-95» республика театрларининг кўрик-танловида бош совринга сазовор бўлганди. Бош ролларда Фарҳод Аминов ҳамда Гулчеҳра Саъдуллаевалар иштирок этган**

Шуниси диққатга лойиқки, театрда қўйилаётган саҳна томошаларининг кўпчилиги кичкинтойларга жуда манзур бўлмоқда. Мана шу сабабдан ҳам айрим спектакллар очилажак мавсумда ҳам кичкинтой томошабинларга яна завқ бағишлайди. «Кел, дўст бўлайлик», «Карра-карра», «Минг бир кеча», «Олтин жўжа», «Топсанг, ҳай-ҳай» ва яна бошқа қизиқарли саҳна томошалари фикримизнинг далили бўла олади.

Ушбу мавсумда янги саҳналаштирилган спектакллар ҳам салмоқли ўрин тутади. Ғафур Ғуломнинг «Ҳасан Кайфий» асари асосида спектакль тайёрланди. Бу фалсафий эртак болаларни янада теран фикрлашга ўргатиши шубҳасиздир. Ўсмирлар учун мўлжалланган «Ўз ёридин айрилмасин» томошаси эса тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у пок муҳаббатни тараннум этади. Шунингдек янги мавсумда режиссёр Ҳамидахон Маҳмудова саҳналаштирган «Ўрмон қўшиғи» спектакли ҳам тайёр бўлиб қолди.

— Бу йил халқ ривоят ва афсоналари асосида «Оқ бўри» деган спектаклни қўймоқчимиз, — дейди театрнинг бадиий раҳбари Олимжон Салимов,— туркийзабон элатларнинг шаклланиши ҳақида ҳикоя қилувчи бу саҳна асари ёш томошабинларимизни бефарқ қолдирмайди.

Асарни Авлиёқули Ҳожиқулов саҳналаштириши кўзда тутилмоқда. Саҳна безакларини ишлаш учун туркманистонлик моҳир рассом Бердиқули Омонсиҳат таклиф этилажак экан. Рассом илгари ҳам театрда «От кишнаган оқшомда» асарига безаклар ишлаган.

Кўпгина театршунослар, шунингдек театр мухлисларининг эътироф этишларича, номи тилга олинаётган ижодий жамоанинг фаолиятида анчагина ижобий ўзгаришларни пайқаш мушкул эмас. Назаримда, театрдаги ютуқлар боиси асарларни саҳналаштиришда моҳирона ёндошув туфайлидир. Ахир Олимжон Салимов саҳналаштирган «Темир хотин», «Тошкентга саёҳат», айни кунларда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида муваффақият билан ижро этилаётган «Уфқ» спектакли халқимиз қалбидан жой олиб улгургани бежиз эмас-ку.

— Жамоага ёш ижрочилар ҳам жалб этилаётган бўлса керак? — сўраймиз Олимжон Салимовдан.

— Албатта. Бу йил театрга Тошкент давлат санъат институтини битирган олти нафар ёш, иқтидорли актёрларни қабул қилдик. Уларнинг ўз диплом спектакллари мавжуд. Адиб Тоҳир Маликнинг «Алвидо, болалик» асари асосида саҳналаштирилган «Заҳарли томчилар» спектаклидаги ролларни жуда маромига етказиб ижро этишган. Янги саҳна асарларининг аксариятида ҳам уларга етакчи актёрларимиздан Манзура Ҳамидова, Муҳаббат Йўлдошева, Лутфулла Саъдуллаевлар устозларча маслаҳатларини бермоқдалар.

Жамоа бадиий раҳбарининг таъкидлашича, театрда миллий дурдона асарларимиз билан биргаликда чет эл классик асарларини ҳам саҳналаштириш мўлжалланяпти.

Назокат УСМОНОВА.


**«Ўзбек давлат цирки» Республика бирлашмаси**



**ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ**

ДАСТУРДА — акробатлар, гимнастикачилар, жонглёрлар, эквилибристлар, ҳаво гимнастикачилари, ҳинд йоги ҳамда ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари.

Масхарабозлар гуруҳи хизматингизда.

**ТОМОШАЛАР:**
**22, 29 сентябрь соат 18.00 да,**
**16, 17, 24, 30 сентябрь; 1 октябрь соат 12 ва 15.00 да**
**БОШЛАНАДИ**

Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

***Касса соат 10.00 дан 18.00 гача очиқ.***

***Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.***

## «Сувсоз» трести

**Сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариш ва 1995-96 йил қиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан истеъмолчиларга қуйидагиларни МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

**25 сентябрь соат 9.00 дан 26 сентябрь соат 9.00 гача**

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ — Тинчлик маҳалласида, 19, 20-мавзеларида СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ — 20-мавзесидаги 12, 13, 22, 23-уйларда, Ҳайдаробод маҳалласида, Катта Қаъни, Қатортол ва унга туташ кўчаларда СУВ БЎЛМАЙДИ.

**25 сентябрь соат 9.00 дан 26 сентябрь соат 21.00 гача**

А. ИКРОМОВ ТУМАНИ — Раҳимбобоева кўчасининг хусусий секторида, Бирлик маҳалласи, 12, 13, 14, 21, 22, 25, 30-мавзеларда — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

А.ИКРОМОВ ТУМАНИ: Ўриккзор мавзеларида СУВ БЎЛМАЙДИ.

**27 сентябрь соат 9.00 дан 28 сентябрь соат 21.00 гача**

ҲАМЗА, МИРОБОД, СИРҒАЛИ ва БЕКТЕМИР туманларида СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

СИРҒАЛИ ТУМАНИ: Локомотивная, Аппаратная, Полевая, Питомная, Саъдий, Чоштепа ва уларга туташ кўчаларда СУВ БЎЛМАЙДИ.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: Қорасув-6 мавзесида СУВ БЎЛМАЙДИ.

Лисунов, М. Ашрафий, Фитрат, Фарғона йўли, Манжара кўчаларида, Гайдар, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеларида — СУВ БЎЛМАЙДИ.

**2 октябрь соат 9.00 дан 3 октябрь соат 9.00 гача**

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ — 16, 17, 18, 19, 20, Ц мавзеларида, Мевазор маҳалласида СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

ҲАМЗА, СИРҒАЛИ ТУМАНЛАРИДА — СУВ БОСИМИ УМУМИЙ ПАСАЯДИ.

МИРЗО УЛУҒБЕК, ЯККАСАРОЙ ТУМАНЛАРИДА — СУВ БОСИМИ ҚИСМАН ПАСАЯДИ.

Сув бўлмайдиган жойларга махсус сув ташувчи автомашиналар юборилади.

**ТЕЛЕФОНЛАР: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.**



**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-81-42

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—0387 Босмага бериш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.